

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



Ўзбекистон Республикаси Оила ва
Хотин-қизлар давлат қўмитаси
раисининг биринчи ўринбосари
_____ О. Парпибоева
“30” ноябрь 2022 йил

**Вакант лавозимларига ишга қабул қилиш, ходимларни бошқа
лавозимга ўтказиш бўйича Танлов комиссияси йиғилишининг
17-БАЁНИ**

Тошкент шаҳар

2022 йил “30” ноябрь

Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси
Кичик мажлислар зали

Танлов комиссияси раиси:

Н.Эгамбердиева - Ўзбекистон
Республикаси Оила ва хотин-қизлар
давлат қўмитаси раисининг
ўринбосари

Комиссия аъзолари:

Н.Матякубова – Юридик бўлим
бошлиғи

З.Искандарова – Бошкарма бошлиғи

М.Махмудова – Бўлим бошлиғи

Б.Саидқасимов – Комплаенс назорат
бўйича бош мутахассис

И.Глеубергенова - Инсон ресурслари
ва комплаенс назорат бўлими
бошлиғи

Таклиф этилганлар:

А.Абдиев - Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Давлат
хизматини ривожлантириш агентлиги
масъул ходими.

Комиссия котиби:

И.Глеубергенова - Инсон ресурслари
ва комплаенс назорат бўлими
бошлиғи

Йиғилиш кун тартиби:

Ахборот технологиялари ва рақамлаштириш бўлими бошлиғи,

Инсон ресурслари ва комплаенс назорат бўлими бош мутахассиси лавозимларига ўтказилган суҳбат якунлари тўғрисида

Ахборот технологиялари ва рақамлаштириш бўлими бошлиғи, Инсон ресурслари ва комплаенс назорат бўлими бош мутахассиси лавозимларига <https://vacancy.argos.uz> сайтида жорий йилнинг 27 октябрь куни очик танлов эълон қилинди.

Ахборот технологиялари ва рақамлаштириш бўлими бошлиғи лавозимга 12 нафар, Инсон ресурслари ва комплаенс назорат бўлими бош мутахассиси лавозимга 28 нафар жами 40 нафар номзодлардан аризалар келиб тушди.

Номзодлар ичидан малака талабларига мос келган 12 нафар номзодлар (бўлим бошлиғи лавозимига 6 та, бош мутахассис лавозимига 6 та) саралаб олинди ва танловнинг тест босқичига ўтказилди. Тест босқичида Бўлим бошлиғи лавозимига 2 нафар номзод, бош мутахассис лавозимига 2 нафар номзод белгиланган балл тўплаб, суҳбат босқичига ўтказилди.

4 нафар номзодларга суҳбат босқичига ўтганлиги ҳақида хабардор қилинди.

Номзодларга танлов комиссия аъзолари томонидан соҳага оид саволлар берилди. Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасининг асосий мақсад ва вазифалари нималардан иборат?, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги ПФ-87-сонли Фармони мазмун-моҳияти тўғрисида нималарни биласиз?, Ахборот хавфсизлиги деганда нимани тушунасиз?, Кибер хавфсизлик деганда нимани тушунасиз? каби саволлар билан муурожаат этилди.


Танлов комиссияси танлов иштирокчисининг саволларига тўғри ва аниқ жавоб бериши, иш тажрибаси, соҳавий билимини эътиборга олиб **қарор қилади:**

1. Ахборот технологиялари ва рақамлаштириш бўлими бошлиғи лавозимига номзодлар Магдиев Ботир Боходирович ва Турдикулов Хикматилла Собировичларнинг саволларга аниқ жавоб бермаганини, бўлим бошлиғи лавозимига мос келмаганлигини инобатга олиб ушбу лавозимга тавсия этилмайди.
2. Ахборот технологиялари ва рақамлаштириш бўлими бошлиғи лавозимига очик танлов орқали қайта эълон берилсин.
3. Инсон ресурслари ва комплаенс назорат бўлими бош мутахассиси лавозимига Абдурахмонова Ферузабану Абдурахман қизи суҳбат жараёнида иштирок этмагани учун ушбу лавозимга тавсия

этилмайди. Номзод Назаров Абдукаххор Абдурахмоновичнинг соҳа бўйича иш тажрибаси камлигини инобатга олиб ушбу лавозимга тавсия этилмайди.

4. Инсон ресурслари ва комплаенс назорат бўлими бош мутахассиси лавозимига очиқ танлов орқали қайта эълон берилсин.

_____ Н.Эгамбердиева



_____ З.Искандарова



_____ М.Матякубова




_____ Б.Саидкасимов



_____ М.Махмудова

Танлов комиссияси котиби:



_____ И.Тлеубергенова